



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 18.10.2022 г. № 01/01

между "Равшанбек Жахонгир Нур" МЧЖ и Ободончилик булими на общую сумму 239000000,00

Глава

110

Казначейский лицевой счёт

100022860272287045203110001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233100			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	239 000 000,00			239 000 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	239 000 000,00			239 000 000,00

Всего 239000000,00 сум

Двести тридцать девять миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 71700000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в _____ мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца.
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах)

Руководитель заказчика



Главный бухгалтер-заказчика

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

(подпись)

Абдуразоков И. Ф.

Ф.И.О.

(подпись)

Ражабова Н. С.

Ф.И.О.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

01/01 - сонли

Бўка тумани

"18" октябрь 2022 йил

“Тошкент вилояти Бўка тумани ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринда “*буюртмачи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **И.Ф.Абдуразоков** бир томондан ва “Ravshanbek Jahongir Nur” МЧЖ (кейинги ўринларда “*пудратчи*”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Б.Узаков** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Бўка тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчасини ички йўллари жорий таъмирлаш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан etender.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 160248) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси харид комиссиясининг 2022 йил 13 октябрдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича *буюртмачи* томонидан *пудратчига* ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, *буюртмачи* эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 239 000 000 (Икки юз ўттиз тўққиз миллион) сўм**, шундан **ҚҚС 31173913-04 (Ўттиз бир миллион бир юз етмиш уч минг тўққиз юз ўн уч сўм 04 тийин)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини қўпайтиришга еғиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми *буюртмачи* томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар *буюртмачи* билан *пудратчи* ўртасидаги шартномага қўшимча қилинув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида *буюртмачининг* рухсати билан йўналтирилиши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва *буюртмачига* топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни *буюртмачига* тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* қурилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида *буюртмачига* хабар бериши шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қодалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъватнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-қурилиш майдони кўриклилишини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун *буюртмачи* олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар *буюртмачи* ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

4.4. *Пудратчи* дафтарда *буюртмачи* томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун *буюртмачи*:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан *пудратчига* молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичида *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

VII. ТҶҲОВ ВА ҲИСОВ КИТОВЛАР

7.1. *Буюртмачи пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнак(аванс) маблағи ўтказлади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-хисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вақилини - техник кузатувчини тайинлайди, у *буюртмачининг* номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширилади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. *Пудратчи* таъмирлаш даврида *буюртмачининг* вақилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. *Пудратчи* объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни *буюртмачи* томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни *буюртмачига* топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

8.5. *Пудратчи* ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.6. *Пудратчи* ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тури (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. *Пудратчи буюртмачининг* қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар *Буюртмачининг* тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича *Пудратчи Буюртмачининг* кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар *буюртмачи пудратчи* ва (ёки) унинг ёрдамчи *Пудратчилари* томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда *Пудратчи* ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎҲИҚЛАШ

9.1. *Пудратчи* таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган объект *буюртмачи* томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, кўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, *Пудратчида* зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда *Пудратчи* ва *Буюртмачи* ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қилади.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

ХI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқизилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ махсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиш соҳасидаги амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, қурилиш нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўқатишга ихтисослашган, кўп йиллик тажрибага эга корхона (ташкilot, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича ҳулосаларини олиш талаб қилинади.

2).. *Пудратчи* ташкилоти томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

3). *Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳ* томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, *Буюртмачи* томонидан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

11.3. *Пудратчи* ташкилот ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- 11.4. *Пудратчи* жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ *буюртмачига буюртмачи* томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. *Пудратчи буюртмачига* ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Кабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета ҳужжатларига, шахарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар *пудратчи* томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари *пудратчи* ва *буюртмачининг* икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар *пудратчи* бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши *буюртмачига* боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси

тўғрисида"ги 670-сонли Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

- буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралик қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада қўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун *буюртмачи пудратчига* кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчинини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. *Буюртмачи Пудратчининг* бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида *Буюртмачига* қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, *Буюртмачи* ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

14.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. *Пудратчи* қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини *буюртмачининг* ёзма рухсатисиз, ёрдамчи *пудратчилардан* ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

“Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжалари талабларига амал қилади”

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

“Бўка туман ободонлаштириш бошқармаси”
Тошкент вилояти Бўка туман Тўймухамедов
кўчаси 1 уй
Ш/х: 100022860272287045203110001
ИНН: 206937983 ОКЭД 90211
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
Ғазначилигининг Амалиёт Бошқармаси
х/р 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014/ИНН: 201 122 919

Директор  И.Ф. Абдуразоков



ПУДРАТЧИ

«Ravshanbek Jahongir Nur» МЧЖ
Самарқанд вил Нарпай тум Турон МФЙ
Чингизкент 72
х/р 20208000600650218001
ИНН 304224595
Микрокредит банк Сирдарё филиали
МФО 00366



Директор  Б. Узаков

IG27057745

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

BU3004806888

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Ravshanbek JAHONGIR Nur MCHJ bilan yo'llarni
ta'mirlash to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Bo'ka tuman
obodonlashtrish boshkarmasi tomonidan 18.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish
maqsadga muvofiq.

**Bo'ka tuman yuridik
markaz
bosh yuristkonsulti:**



B.Y.BOTIROV
18.10.2022

Samarqand viloyati Narpay tuman hokimligi huzuridagi Tadbirkorlik
sub'ektlariga yagona darcha tamoyili buyicha davlat xizmati ko'rsatish
YAGONA DARCHA MARKAZI

GUVOHNOMA

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

Reestrdagi tartib raqami 2062

№ 0002054

2016 yil "06" Avryer

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs "RAVSHANBEK JOHONGIR NUR"

МАЙСУ ДИЙТИ ЧЕКЛЕНГАН ЖАМИЯТ

(shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida)

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)
berilgan.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

THSH

152

Mulkiylik shakli:

MSH

142

Bo'shqa ma'ruz:

MHOB

1718218870

Yuridik shaxs kodi:

KTUT

26470973

Tarmoq kodi:

XXTUT

61206

Soliq to'lovchining identifikatsion raqami:

STIR

304224595

Qo'shimcha ma'lumotlar

M.O.



Asura mizgim

«Yagona darcha» markazi rahbari:

J. Allayarov

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 160248 на приобретение Toshkent viloyati Bo'ka tumani Bunyodkor MFY Ibrat ko'chasini joriy ta'mirlash.

Способ проведения электронный

Дата 13.10.2022

Время рассмотрения 13.10.2022 20:07

Закупочная комиссия Бука тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MALIKOV SIROJIDDIN NOYOBJONOVICH	bosh muxandis	baxolovchi
Секретарь комиссии	RAJABOVA NADIRA SULTANBEKOVNA	техник	Бука тумани ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ISMOILOVA DILNOZA IBROXIMOVNA	ишчи	Бука тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TOSHBOYEV MAXMUDJON ABDURASHIDOVICH	техник	Бука тумани Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	JO'RAYEV BERDIYOR BAXTIYOR O'G'LI	TB muxandis	baxolovchi
Член комиссии	BARATOV AXROR ILXOMOVICH	булим бошлик	Бука тумани Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.10.2022 года № лота 160248.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Тошкент вилояти Бука тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кучасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	239 162 994.00
Стартовая сумма	239 162 994.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг Соликлар ва мажбурий туловлврдан карзи йуқлиги ҳамда молиявий ҳолати тугрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларини колдик киймати 2 300 млн 2. Муддати утган кредитор карздорлиги мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POLY TEX SIRDARYO	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	1
ООО Геострой Престиж	25	229596474	15	Экспертная		
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR МЧЖ	25	25	19	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	25	229355131	15	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лўйхани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги 1. Погрузчик 1 та 2. Асфальт укладчик 1 та 3. Экскаватор 1 та

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POLY TEX SIRDARYO	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	1
ООО Геострой Престиж	25	229596474	13	Экспертная		
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR МЧЖ	25	25	16	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	25	229355131	16	Экспертная		

Критерий №3 Энг яхши тақлифларни танлаб олишдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Энг яхши тақлифларни танлаб олиш савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги 3-йили (1-йили мажбурий) ўз кучи ҳамда ўз вақтида*бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POLY TEX SIRDARYO	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	1
ООО Геострой Престиж	25	229596474	17	Экспертная		
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR МЧЖ	25	25	18	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	25	229355131	15	Экспертная		

Критерий №4 Ишларни бажариш ва Кооррупцион ҳолатларга йўл қўймаслики ҳамда ўз вақтида сифатли етказиб беришга кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажариш ва Кооррупцион ҳолатларга йўл қўймаслики ҳамда ўз вақтида сифатли етказиб беришга кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POLY TEX SIRDARYO	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	1
ООО Геострой Престиж	25	229596474	20	Экспертная		
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR MЧЖ	25	25	17	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	25	229355131	14	Экспертная		

Критерий №5 Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажы 6 йилдан кам бўлмаган олий маълумотга эга мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 6 йил иш стажига эга дипломга эга 3 кишидан иборат инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (Мухандислар) Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 4 йил иш стажига эга дипломли 2 та иш бажарувчилар (Курилишда прорап) мавжудлиги. Ходимларнинг йиллик уртача сони 128 (камида) Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 2 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО POLY TEX SIRDARYO	25	25	0	Экспертная	Дисквалифицирован	1
ООО Геострой Престиж	25	229596474	13	Экспертная		
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR MЧЖ	25	25	20	Экспертная		
BEKOBOD TUMAN YFUK	25	229355131	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR MЧЖ	239 162 994.00	239 000 000.00 UZS	239 000 000.00	00.00	239 000 000.00	12.10.2022 19:42:46	19.1929
BEKOBOD TUMAN YFUK	239 162 994.00	229 355 131.00 UZS	229 355 131.00	00.00	229 355 131.00	13.10.2022 18:02:46	20

ООО Геострой Престиж	239 162 994.00	229 596 474.00 UZS	229 596 474.00	00.00	229 596 474.00	12.10.2022 09:02:23	19.97898
---------------------------------	-------------------	-----------------------	----------------	-------	-------------------	------------------------	----------

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО POLY TEX SIRDARYO	Не прошел	Не прошел	Не прошел
RAVSHANBEK JOHONGIR NUR МЧЖ	57.6	19.1929	76.7929
ВЕКОВОД TUMAN YFUK	48	20	68
ООО Геострой Престиж	49.92	19.97898	69.89898

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 160248 от 13.10.2022 года на приобретение Toshkent viloyati Bo'ka tumani Bunyodkor MFY Ibrat ko'chasini joriy ta'mirlash, определила победителем:

RAVSHANBEK JOHONGIR NUR МЧЖ
304224595

и резервный исполнитель: ООО Геострой Престиж (304398450)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MALIKOV SIROJIDDIN NOYOBJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMOILOVA DILNOZA IBROXIMOVNA	Согласен	
Член комиссии	TOSHBOYEV MAXMUDJON ABDURASHIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	JO'RAYEV BERDIYOR BAXTIYOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	BARATOV AXROR ILXOMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



БАЁННОМА № 22

Бўка тумани Ободонлаштириш бошқармасининг доимий фаолият кўрсатувчи кенгаш йиғилиши:

Комиссия раиси:

С.Маликов

Аъзолари:

А.Баратов
М.Тошбоев
Б.Жўраев
Д.Исмоилова

Комиссия раиси С.Маликов сўзга чикиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.02.2022-йилдаги 49-сонли қарорига асосан шаффоф йулим ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчаси ички йўлларини жорий таъмирлаш бўйича эълон жойлаштирилганлигини ва эълон якуни бўйича ООО“POLYTEX SIRDARYO”, “BEKOBOD TUMAN YFUK” МЧЖ, ООО ГЕОСТРОЙ ПРЕСТИЖ ва “RAVSHANBEK JAHONGIR NUR” МЧЖ корхоналаридан тушган таклифга асосан “RAVSHANBEK JAHONGIR NUR” МЧЖ ғолиб деб топилганлигини ва ушбу баённома 2 кунлик муҳокамага қўйилганда ҳеч қандай эътирозлар аниқланмаганини айтиб ўтди.

Кенгаш аъзолари ҳам бир овоздан энг яхши таклифни танлаб олиш йўли орқали аниқланган “RAVSHANBEK JAHONGIR NUR” МЧЖ билан шартнома тузишга рози бўлишди.

Рози овоз: -5 овоз-

Қарши ва бетараф овоз: -0 овоз

Комиссия раиси:

С.Маликов С.Маликов

Аъзолари:

А.Баратов А.Баратов

М.Тошбоев М.Тошбоев

Б.Жўраев Б.Жўраев

Д.Исмоилова Д.Исмоилова



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH
Sana: 05-10-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 63994

Obyekt nomi ««Тошкент вилояти Бўка тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш»»

Buyurtmachi - «Тошкент вилояти Бўка тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш»

Bosh loyihachi - ООО «MODERN ROAD PROJECT»

Litsenziya №: АЛ-000910, 19-06-2020 г

Moliyalashtirish manbai - Местные бюджет

Bosh pudratchi - Определяется по результатам конкурсных торгов

Qurilish turi Текущий ремонт

Murojaat raqami: № 60864

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Постановление Президента Р.Уз. №ПҚ-5250 от 22.09.2021г.

1.2. Задание на проектирование по объекту «Тошкент вилояти Бўка тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш», утвержденное заказчиком «Бука тумани ободонлаштириш бошқармаси» и согласованное проектной ООО «MODERN ROAD PROJECT» от 2022г.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Дефектный акт по объекту «Тошкент вилояти Бўка тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш», утверждённое заказчиком «Бука тумани ободонлаштириш бошқармаси» и согласованное проектной ООО «MODERN ROAD PROJECT» от 2022г.

2.2. Расчет стоимости работ в текущих ценах в сумме 239162,994тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.

2.3. Ведомость потребных ресурсов и локальные ресурсные ведомости.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Представленной сметной документацией и утвержденным дефектным актом предусматриваются следующие работы:

- устройство подстилающих и выравнивающих слоев оснований из песчано-гравийной смеси;
- устройство подстилающих и выравнивающих слоев оснований из щебня;

-розлив вяжущих материалов;

-устройство покрытия из горячих пористых мелкозернистых асфальтобетонных смесей толщиной слоя 5 см и др.

-ширина дороги - 4п.м;

-протяженность - 544п.м.

3.2. Расчетная сметная документация составлена в соответствии с Постановлениями КМ РУз. от 11.06.2003 г. №261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов», от 12.05.2004 г. №226 «О внесении изменений в некоторые решения Правительства Уз», ШНК 4.01.16-09 «Правила по определению стоимости строительства в договорных текущих ценах».

В основе расчета использован ресурсный метод.

Ресурсные ведомости составлены с использованием действующей в республике сметно-нормативной базы.

Стоимости основных строительных материалов, конструкций, изделий и оборудования уточнено в соответствии с каталогом текущих цен, разрабатываемого ежеквартально, цен на биржах и ярмарках строительных материалов, оптово-отпускных цен заводов-изготовителей.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

-заказчиком - "Бешарик тумани ободонлаштириш бошкармаси " от 2022г.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. В процессе рассмотрения в документацию внесены изменения и дополнения.

-откорректированы и уточнены сметные нормы, затраты основных строительных материалов, затраты, затраты на эксплуатацию машин и механизмов и др.

6.2. По результатам экспертного рассмотрения заявленная стоимость работ в текущих ценах в сумме 239 162,994тыс.сум с НДС и без затрат заказчика .

Отмечается, что в сметном расчете уровень прочих затрат подрядной организации принят в размере 19%.

6.3. При производстве демонтажных работ, стоимость возврата материалов определить совместно с заказчиком и подрядчиком.

6.4. Документация представлена на экспертное рассмотрение без замечаний заказчика.

6.5. Заказчику, до утверждения, необходимо согласовать документацию со всеми заинтересованными организациями в установленном порядке.

7. Xulosalar.

7.1. Расчет стоимости сметной документации в текущих ценах по объекту «Тошкент вилояти Бўка тумани Бунёдкор МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш», с учетом результатов экспертизы рекомендуется для дальнейшего рассмотрения и утверждению со стоимостью в сумме 239162,994тыс.сум с НДС и без затрат заказчика.

7.2.В соответствии с «Временным положением о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах», утвержденным Постановлением Кабинета Министров РУз. от 11.06.2003 г. №261 и Постановлением Кабинета Министров РУз. №46 от 31.01.2022г., стоимость работ для проведения конкурсных торгов принимает заказчик с учетом требований действующих нормативных документов и др.

Bosh mutaxassis: RASULOV ELDOR G'ANIYEVICH

Тасдиқлаш

05.10.2022 й

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БУХА ТУМАН БУНЁДКОР МЎЙ ИБРАТ КЎЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ.

ЎЎСОНЛАР ҚЎЙДНОМАСИ.

Биз, қўйда имзо чекувчилар, комиссия аъзолари Буха туман ҳокимлиги "Обodonлаштириш обodonмаси" вакили Бунёдкор Мўй райси PRO.ECT Маъж. Поимжа ташкилоти вакили Балиев Б.лар маъжур қайдномани аъзауат текшириш ва инструментал унчалар нагисада тузиш, ҳамда ушбу йул бунжа қўйдаги ирсонлар иш турлари ва хаммаси аниқлашди

№	Ишларнинг маъноси	Узунлиги				Йул элементларининг маъжур ҳолати	Поимжада қўйда тутилган иш турлари ва таъмирлар	Иш хаммасини исоблаш формуласи	Унча бирлиги	Мидор и (камм)
		1	2	3	4					
1	0+00	3+04	304			Мавжуд йўлининг қопламаси Асфальтбетондан иборат бўлиб, қўй илтиф қойдаланган нагисада йўлда турли қисдан чуқурлар ҳосил бўлган айрим қисмлари асосан вақирган кетган. йўлининг энди 4.0 м йўл туғаймаларининг умумий кенаси 30.0м2 нагиса йўлда	Йўлининг 60% қисмида қўй, тошдан 3 см қалинлида тегишловчи қоплам қўриш. Битум эмульсия сепиш (подгрунтонка) 0.3 тм2 исобда қанноқ, маъда зақрати энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Асфальтбетондан 5см қанноқ, маъда зақрати энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Қўй меънати билан.	(304.0 x 4.0 м + 10м2) x 0.3/1000	тн	0.314
2	3+04	5+44	240			Йўлининг маъжур қопламаси Қўйдан иборат. йўлининг энди 4.0 м.	Қўйдан тошдан 3 см қалинлида тегишловчи қоплам қўриш. Битум эмульсия сепиш (подгрунтонка) 0.5 тм2 исобда қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Асфальтбетондан 5см қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Қўй меънати билан.	304.0 м2	м2	30
							Қўйдан тошдан 10 см қалинлида тегишловчи қоплам қўриш. Қанноқ тошдан 3 см қалинлида тегишловчи қоплам қўриш. Битум эмульсия сепиш (подгрунтонка) 0.5 тм2 исобда қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Асфальтбетондан 5см қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Қўй меънати билан.	38.4 м3	м3	38.4
							Қанноқ тошдан 3 см қалинлида тегишловчи қоплам қўриш. Битум эмульсия сепиш (подгрунтонка) 0.5 тм2 исобда қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Асфальтбетондан 5см қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Қўй меънати билан.	240.0 x 4.0 м x 0.03	м3	28.8
							Битум эмульсия сепиш (подгрунтонка) 0.5 тм2 исобда қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Асфальтбетондан 5см қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Қўй меънати билан.	240.0 x 4.0 м x 0.5/1000	тн	0.480
							Қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Асфальтбетондан 5см қанноқ, маъда донили энди асфальтбетон қоримасидан 5см қалинлида қоплама қўриш. Қўй меънати билан.	240.0 x 4.0 м	м2	960

Қўриш материалларининг таъмир ва илтиф маъжурлари	
Т.Р	Маъжурлар номи
1	Қўйдан тош
2	Қанноқ тош (П.Б.Б.Б.)
3	Битум эмульсия (Б.Б.Б.)
4	Асфальтбетон

Буха тумани ҳокимлиги "Обodonлаштириш обodonмаси" вакили
Бунёдкор Мўй райси
Ташаббускер
"MODERN ROAD PROJECT" МЎЙ ИБРАТ КЎЧАСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ

М.Ташаббускер
М.Ташаббускер
М.Ташаббускер